

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

Son 8 Jild 4  
**2024**

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ 8 (4) - 2024***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулов Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилевич – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### 12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Аҳмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

#### 13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### 19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### 22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабобовна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

#### 23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

### ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

### Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

### Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

## MUNDARIJA

### 07.00.00 – TARIX FANLARI

<i>Бегамова Насиба Холмурзаевна</i> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА АГРАР СОҲА ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ РОЛИ (ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИ МИСОЛИДА) .....	11-19
<i>Насиратдинов Сапар Жеткербай-улы</i> ЭТНОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ФОТОГРАФИЯНИНГ ЎРНИ .....	20-25
<i>Нарманов Феруз Асфандиёрович</i> ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ ЎҚИТИЛИШИ .....	26-30
<i>Rustamov Ilxomidin</i> “O‘ZBEKISTON - 2030” STRATEGIYASI – XALQ STRATEGIYASI (YANGI O‘ZBEKISTON TARIXI) .....	31-34
<i>Normo‘minov Aziz</i> O‘ZBEKISTONLIK SPORTCHILARINING PARAOLIMPIYAMUSOBAQALARIDAGI ISHTIROKI .....	35-39
<i>Turdiboyeva Gulmira</i> VOYAGA YETMAGANLAR HUQUQBUZARLIGIGA QARSHI KURASH BO‘YICHA TARG‘IBOTLAR SAMARASI .....	40-44
<i>Xamidova Shoiras Rasulovna</i> PARASPORT TURLARI VA ULARNING QONUNIYATLARI .....	45-51
<i>Ахмедов Жасурбек Зокиржонович</i> МАДАНИЯТШУНОСЛИК ВА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА .....	52-54

### 08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

<i>Raximov To‘xtabek Jumaboyevich</i> KICHIK BIZNES KORXONALARINING EKSPORT SALOHİYATINI OSHIRISHGA TA’SIR QILUVCHI OMILLAR TAHLILI .....	55-60
<i>Allaberganov Xushnud Allaberganovich</i> TASHQI SAVDO SALOHİYATINING MINTAQQA IQTISODIYOTIDA TUTGAN O‘RNI .....	61-68
<i>Амбарцумян Анастас Алексеевич</i> МЕЖДУНАРОДНЫЕ ТРАНСПОРТНЫЕ КОРИДОРЫ: СИНЕРГЕТИЧЕСКАЯ ВЫГОДА И ПОИСК РЕШЕНИЯ НЕПРОСТЫХ ЗАДАЧ .....	69-81
<i>Baqoeva Dilfuza</i> SANOAT KORXONALARIDA SOTUV TIZIMINING OLIB BORILISHI, MOHIYATI VA YO‘NALISHLARI .....	82-86
<i>Adilov Mirkomil Miralimovich</i> TIJORAT BANKLARI KREDIT QO‘YILMALARINING MANBALARINI TAKOMILLASHTIRISH .....	87-93

*Donayev Sheroli Burxonovich*

DON MAHSULOTLARI KORXONALARIDA RIVOJLANTIRISH ASCENT

STRATEGIYASINING AHAMIYATI ..... 94-101

*Кахаров Жасур Абулқосимович*

ГАСТРОНОМИЯ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ

МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ..... 102-109

*Рахмонов Шухрат Шавкатович*

ТУРИСТИК МАҲСУЛОТ ДИВЕРСИФИКАЦИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ..... 110-117

*Sherov Alisher Bakberganovich*

OLIY TA'LIM MUASSASALARINI MOLIYALASHTIRISHNING HUQUQIY ASOSLARI ..... 118-129

**09.00.00 – FALSAFA FANLARI***Tag'oyeva Dilnavoz Narziqulovna*

MAHMUDXO'JA BEHBUDIY MA'RIFATPARVARLIK G'OYALARI VA ULARNING IJTIMOYIY-

AXLOQIY MUNOSABATLARDAGI KONSTRUKTIV MOHIYATI ..... 130-135

*Muhamedov Asror*

G'ARB RENNESANSIGA TURTKI BO'LGAN OMILLAR ..... 136-145

*Aripova Zulfiyaxon Salijanovna*

HOZIRGI ZAMONDA ETIKA VA ESTETIKANI O'QITISHNING AMALIYIJTIMOIY

AHAMIYATI ..... 146-151

*Abdumalikov Abdulatif Abidjanovich*

INSONNING TABIATGA NOOSFERAVIY MUNOSABATINI YUKSALTIRISH

ZARURIYATI ..... 152-156

*Xolmatov Uchqunjon Xamidullayevich*

AXBORIY-PSIXOLOGIK VA MADANIY TAHDIDLAR SHAROITIDA MILLATLARARO TOTUVLIK

VA HAMJIXATLIKNI TA'MINLASHNING TA'LIMIY-TARBIYAVIY VAZIFALARI ..... 157-162

*Шоназаров Жамшид Шухратович*

ЖАДИДЛАР ҒОЯЛАРИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ БИЛАН ҲАМОҲАНГ ..... 163-168

*Ho'janova Tamara Jo'raevna*

YANGI O'ZBEKISTONDA YOSHLARINI AXBOROT URUSHI DAVRIDA MAFKURAVIY

TAJOVUZLARDAN ASRASH OMILLARI ..... 169-174

*Quchqorov Javlon Suyundik o'g'li*

MILLIY G'OYA VA DEMOKRATIK O'ZGARISHLAR DIALEKTIKASIGA MADANIY HODISALAR

SIFATIDA QARASH ..... 175-179

*Muxtorova Tutixon*

GLOBALLASHUV JARAYONLARIGA FALSAFIY YONDASHUVLARNING O'ZIGA

XOS JIHATLARI ..... 180-186

*Rahmonova Mavluda Abdusamadovna*

ABDURAUF FITRATNING "OILA" ASARIDA JAMIYAT MA'NAVIY-AXLOQIY RIVOJIGA DOIR

QARASHLARI TAHLILI ..... 187-194

*Pirnazarov Nurnazar*

TANA, RUX VA MA'NAVİYATNING INSON BORLIG'IDAGI AKS ETISHINING

FALSAFIY TAHLILI..... 195-201

*Ismailov Dilshod Baxriddinovich*

DAVLAT FUQAROLIK XIZMATCHILARI FAOLIYATI SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING

MA'NAVİY-AXLOQIY SEGMENTI:KOMPARATIV YONDASHUV ..... 202-209

## **10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI**

*Yuldoshova Shaxnoza Azimboyevna*

RAY BREDBERI VA ISAJON SULTON ASARLARIDA MA'RIFATPARVARLIK MOTIVLARI

TALQINI ..... 210-216

*Bozorbekov Ahmadbek*

O'ZBEK TERMINOLOGIYASIDA TEXNIK, ZAMONAVIY LOGISTIKA SOHASIDAGI

TERMINLARNING YASHALISH MODELLARI VA PARADIGMATIKASI ..... 217-230

*Xamrayev Fozilbek Yo'ldoshevich*

ZAMONAVIY O'ZLASHMALARNI MILLIYLASHTIRISHDA O'ZBEK TILINING TARIXIY ZAXIRA

MANBALARIDAN FOYDALANISH ..... 231-236

*O'tebaeva Dilbar*

TURKIY TILLARGA UMUMIY BO'LGAN EKOLOGIK ATAMALAR ..... 237-242

*Asqarova Shaxnoza Kamolidinova*

EPIK KLISHELAR HAMDA ULARNING INGLIZ VA NEMIS TILLARIDAGI TALQINI

("ALPOMISH" DOSTONI MISOLIDA) ..... 243-247

*Kadirova Zaynab Bakoyevna*

INGLIZ TILIDAGI REKLAMANING LINGVISTIK XUSUSIYATLARI ..... 248-252

*Allaberganova Nilufar Matnazar qizi*

QOFIYA ASOSLARIDAGI MATNLARNING LINGVOKOGNITIV XUSUSIYATLARI ..... 253-256

*Nabiyeva Rushana Jamol qizi*

OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARI NOMLARI LEKSIK-SEMANTIK GURUHINING MA'NOVIY

GURUHLARI VA ULARDA YANGI O'ZLASHMALARNING ISHTIROKI HAQIDA ..... 257-262

*To'rayeva Iroda Sheramatovna*

FOLKLORIZMLAR TIZIMIDA ETNOGRAFIK FOLKLORIZMLARNING O'RNI VA

SPETSIFIKASI ..... 263-268

*Qodirova Munisa Erkinjon qizi*

BADIIY MATNDA QO'LLANILGAN SAN'ATGA OID TERMINLARNING LEKSIK TIPOLOGIYASI

(INGLIZ VA O'ZBEK TILLARI MISOLIDA) ..... 269-272

*G'aniyeva Nozanin G'ayratovna*

MARKAZIY OSIYODA JADID AYOLLARINING PATRIARXAL TUZILMALAR VA

MUSTAMLAKACHILIK ZULMIGA QARSHI CHIDAMLILIGI VA QARSHILIGI ..... 273-277

*Zaripova Dilfuza Baxtiyorovna*

TURKIY ADABIYOTDA "IBROHIMI ADHAM" QISSALARI TAHLILI ..... 278-284

*Eshniyazova Maysara Becnazarovna*

ALISHER NAVOIYNING "ARBA'IN" ASARIDAGI HADISLAR BAYONIDA G'OYAVIY-BADIIY

IFODA MUKAMMALLIGI ..... 285-292

*Raxmonova Dildora Mirzakarimovna*

O'ZBEK JADID ADABIYOTIDA OVRUPO MADANIYATI TALQINI ..... 293-298

**12.00.00 – YURIDIK FANLAR***Axmedshayeva Mavlyuda Axatovna*

MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI HUQUQIY TIZIMLARIDA KODEKSLASHTIRISH

JARAYONINING AYRIM NAZARIY-HUQUQIY MASALALARI ..... 299-306

*Узакова Гўзал Шариповна*

ШАҲАРЛАР ВА БОШҚА АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДА АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА

ҚИЛИШНИНГ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ ТАЛАБЛАРИ ..... 307-325

*Пулатова Нодирахон Собиржоновна*

ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ УСТРАНЕНИЯ СУДЕБНЫХ ОШИБОК В ОБЕСПЕЧЕНИИ

ПРАВ ЧЕЛОВЕКА ..... 326-332

*Nizamatdinov Kayrat Keunimjaevich*

MOBIL ALOQA XIZMATI KO'RSATISHDA MILLIY ALOQA OPERATORLARINING FAOLIYATINI

HUQUQIY TARTIBGA SOLISHNI TAKOMILLASHTIRISH ..... 333-341

*Абдурахманова Нодирахон*

ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В

ОНЛАЙН АРБИТРАЖАХ: МЕЖДУНАРОДНЫЕ И НАЦИОНАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ..... 342-345

*Bokiyev Jahongir Nurmatjon o'g'li*

TA'LIM OLISH HUQUQINING GENEZISI HAMDA UNING YURIDIK TABIATI ..... 346-356

*Madiyev Faxriddin Xoshim o'g'li*

SHAXSIY HAYOT DAXLSIZLIGI HUQUQINI TA'MINLASH MASALALARI ..... 357-368

*Утанов Фурқат*

ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА ТОВАР БЕЛГИСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ

МАҚОМИ ..... 369-374

*Dilboboyev Nozimbek Shavkat o'g'li*

XALQARO VA MILLIY DARAJADA INVESTITYA QONUNCHILIGINING RIVOJLANISH

TENDENSIYASI ..... 375-381

*Назарова Марҳабо*

ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОЛИТИКА И РАЗВИТИЕ ЖЕНСКОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В

УЗБЕКИСТАНЕ ..... 382-386

*Абулхайров Рустамхон Ибодуллаевич*

ПОРТЛАШ СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

МАСАЛАЛАРИ ..... 387-400

*Абдусамиева Дилрабо Абдувахоб кизи*

ВОПРОСЫ РЕСОЦИАЛИЗАЦИИ БЫВШИХ ОСУЖДЕННЫХ В НЕКОТОРЫХ

МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТАХ..... 401-406

*Abdikhakimov Islombek*

LEGAL RELATIONS AND STAKEHOLDERS IN QUANTUM TECHNOLOGIES REGULATION: A

COMPREHENSIVE ANALYSIS OF GOVERNANCE FRAMEWORKS ..... 407-412

**13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI***Djabbarova Nilufar Baxtiyarovna*

TALABA-QIZLARDA LIDERLIK SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHDA FALSAFIYPEDAGOGIK

YONDASHUVLARNING ROLI ..... 413-417

*Mamatqosimov Jahongir Abirqulovich*

BO'LAJAK REJISSYORLARNING KASBIY KOMPETENTLIGINI ADABIY ASARLAR ASOSIDA RIVOJLANTIRISHDA DEBYUT MASHG'ULOTLARINING AHAMIYATI ..... 418-423

*Kurbanova Shukurjon Yeldashbayevna*

HOFIZ XORAZMIY DIDAKTIK QARASHLARINI O'RGANISHNING HOZIRGI HOLATI ..... 424-429

*Ismoilova Shodiyaxon Xusanboy qizi*

NEMIS TILIDAN KEYIN INGLIZ TILI O'RGANISH JARAYONIDA FONETIK INTERFERENSIYANI YUZAGA Keltiruvchi omillar ..... 430-435

*Salimov Ma'ruf Eshdovlat o'g'li*

O'QUVCHILARNI VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI ..... 436-439

*Палванова Умида Бахрамовна, Тургунов Собитхон Ташпулатович, Якубова Азада Ботировна*

ОРГАНИЗАЦИЯ И УПРАВЛЕНИЕ ОБУЧЕНИЕМ СТУДЕНТОВ НАВЫКАМ ОКАЗАНИЯ ПЕРВОЙ ПОМОЩИ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ СИСТЕМНОГО ПОДХОДА ..... 440-444

*Rasulova Fotima Farxotovna*

O'QUVCHILARNI IJODIY FIKRLASHGA YO'NALTIRISHNING NAZARIY VA USLUBIY YO'NALISHLARINING ILMIY TAHLILI..... 445-450

*Saidxo'jayev Muhammadxo'ja Ma'rufxo'ja o'g'li*

YOSHLARNI MA'NAVIY-MA'RIFIY TARBIYALASHDA IJTIMOY - PEDAGOGIK OMILLAR VA ULARNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI..... 451-456

*Utepbergenov Aydos Janabayevich*

SAHNA NUTQI O'QITISHNING O'ZIGA XOS JIHATLARI ..... 457-461

*Nozima Muqimovna Hamdamova*

MAJBURIY FANLARDAN TALABLARNING KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHDA GRAFIK DASTURLARIDAN FOYDALANISH..... 462-467

**Received:** 30 July 2024  
**Accepted:** 5 August 2024  
**Published:** 15 August 2024

*Article / Original Paper*

## **LEGAL STATUS OF A TRADEMARK AS A MEANS OF INDIVIDUALIZATION**

**Utapov Furkat**

Independent researcher University of Public Safety of the Republic of Uzbekistan

[utapov.furkat@mail.ru](mailto:utapov.furkat@mail.ru)

**Abstract.** This article will talk about the importance of a trademark as a means of individualization, its role in the country's economy, its essence, legal protection and functions. In fact, it is the advertising function of a commodity that plays an important role in the advertising function of a business entity and plays an important role in the effective management of its economic potential. At the same time, the article describes the basic principles of trademark rights protection and its monopoly role, civil status, modern methods and mechanisms to ensure its protection.

**Keywords:** intellectual property, trademark, exclusive rights, monopoly, legal protection, competition.

## **ИНДИВИДУАЛАШТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА ТОВАР БЕЛГИСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ**

**Утапов Фуркат**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Мақолада индивидуаллаштириш воситаси сифатида товар белгисининг аҳамияти, унинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни, моҳияти ва ҳуқуқий муҳофазаси, функциялари ҳақида ҳақида сўз боради. Дарҳақиқат, товар белгисининг айнан реклама функцияси тадбиркорлик субъектининг реклама функциясида муҳим рол ўйнайди ва иқтисодий салоҳиятини самарали бошқарувида муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга, мақолада товар белгисига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг асосий тамойиллари ҳамда унинг монополистик роли, фуқаролик-ҳуқуқий мақоми, уни муҳофазасини таъминлашнинг замонавий усул ва механизмлари ҳақида баён этилган.

**Калит сўзлар:** интеллектуал мулк, товар белгиси, мутлақ ҳуқуқлар, монополия, ҳуқуқий муҳофаза, рақобат.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I8Y2024N50>

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 12 октябрь куни интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган йиғилишда маҳаллий товар белгиларини халқаро рўйхатдан ўтказиш жараёни жуда ҳам сустреклиги ҳамда ушбу даврда бор-йўғи 72 та маҳаллий тадбиркорлик субъектларига тегишли товар белгиси халқаро рўйхатдан ўтказилганлиги таъкидланган. Шунингдек, мамлакатимизда йилига 2 мингдан зиёд товар белгилари рўйхатдан ўтишлиги бу ушбу кўрсаткичларни ҳам ошириш кераклигига алоҳида эътибор қаратилди [1].

Истеъмол бозорида ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар ўз ўрнини эгаллаш ўзи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолчиларга танитиш ҳамда бошқа шунга ўхшаш товарларга нисбатан фарқлаш белгисини жорий қилишда товар белгиси алоҳида аҳамият касб этади.

Товар белгиси айнан шу масалада бозор муносабатларининг иккала иштирокчиси учун ҳам фойдалидир. У маҳсулот ва хизматларни айнан бир тадбиркорга тегишлилигини кўрсатиб туради ва истеъмолчиларга танлов жараёнида адашмаслик учун имкон яратади.

Интеллектуал мулкни стратегик бошқарувида товар белгилари замонавий халқаро бизнесда ўсиб бораётган элемент ҳисобланади [2].

Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонунга кўра, “товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси (товар белгиси) бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини (товарлар) бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир”. Жаҳон Савдо Ташкилотининг Интеллектуал мулк объектларининг савдо жиҳатлари бўйича битими (ТРИПС)нинг 15-моддасида ҳам юқоридаги каби мазмунда таъриф берилган [3].

Шу билан бирга, амалиётда савдо белгиси тушунчаси ҳам мавжуд, бироқ ушбу тушунчалар инглиз тилида бир хил мазмунда акс этади. Россия манбаларида эса ушбу тушунчалар қисман фарққа эга дейилади. Яъни, савдо белгиси кенгроқ ва бевосита амалий фаолият билан боғлиқ деб ҳисобланади [4]. Шунингдек, товар белгисини маркетинг мазмунидаги тушунча деб ҳам ҳисоблашади [5].

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, товар белгиси интеллектуал фаолият натижаси ҳисобланмайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1031-моддасида товар белгиси фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалари таснифига киритилган.

С.В.Гринкевич товар белгисини реклама ва кафолат функциясини муҳим деб ҳисоблаган бўлса, А.И.Василевский, Е.В.Зинкевич, В.Н.Паращенко, Э.С.Савин-Лазарева эса реклама ва фарқловчи белгиларини алоҳида тавсифлаган [6].

Фикримизча, товар белгисининг айнан реклама функцияси тадбиркорлик субъектининг реклама функциясида муҳим рол ўйнайди ва иқтисодий салоҳиятини самарали бошқаради.

Шу билан бирга замонавий ҳуқуқ фани товар белгисини бошқа функцияларини ҳам ажратиб кўрсатади. Хусусан, О.Д. Толмачева унинг функциялари сифатида ахборот етказувчилик (истеъмолчиларга маҳсулотнинг тегишли сифати ҳақида маълумот етказиш); реклама (маълум бир товарларни муваффақиятлилиги); муҳофаза (ҳуқуқ эгасига ўз маҳсулотини инсофсиз рақобатдан ҳимоя қилиш имкониятини тақдим этишлиги); кафолатланганлик (маҳсулот сифат даражасини маълум бир даражада кафолатланганлиги); руҳий (маҳсулот маълум бир товар белгиси остидаги маҳсулот истеъмолчини ўзига жалб қилишлиги билан ажралиб туришлиги ёки ўзига жалб қилишлик) [7]. Бизнингча, товар белгисининг энг муҳим ажралиб турувчи фарқи сифатида унинг турдош белгилардан фарқлилиги ҳисобланади.

Рўйхатга олинган товар белгиси индивидуаллаштириш воситаси сифатида истеъмолчи бир турдаги товарлардан маълум бир товарларни ажратиб олиш учун танлов қилиш имкониятидир

Зеро, интеллектуал мулк ҳимоясининг етарли даражада таъминланиши мамлакат иқтисодиётини рақобатбардош қилишда муҳим аҳамият касб этади [8].

Интеллектуал мулкни бошқарувини тартибга солишда товар белгилари аҳамияти йилдан йилга ошиб бормоқда. Буни биринчидан, товар белгисига нисбатан эгалик ҳуқуқи чекланмаган муддат (ҳар 10 йилда узайтириб бориш имконияти) давомида эгалик қилишлик, иккинчидан эса товар белгисига нисбатан муҳофаза олиш жараёни саноат мулки объектларини патентлаштиришга қараганда осон эканлиги билан характерланади.

Истеъмолчилар маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчиларни уларнинг товар белгиси орқали таниб олиши ҳамда сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи, сифатли хизмат кўрсатувчиларнинг товар белгилари истеъмолчилар орасида ўзгача мавқега, ишончга эга бўлиб бориши, мазкур товар белгилари остидаги маҳсулот ва хизматлар ортиқча рекламага эҳтиёж сезмасдан бозорда доимий талабга эга бўлади. Шунинг учун ҳам, товар белгиси бу товар ва хизматлар эгасининг имиджини, мавқеини белгилайди. Аммо шунини билиш лозимки, товар белгисини рўйхатдан ўтказмасдан ҳам тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш мумкин. Лекин ушбу ҳолатда келгусида инсофсиз рақобат билан боғлиқ ҳолатлар юзага келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонуни 4-моддасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгилари қонун билан муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилган [9]. Шундай экан, ҳар бир маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатувчига ўз товар белгисига эга бўлиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Зеро, ўз товар белгисига эга бўлиш тадбиркор учун ўз маҳсулот ва хизматларини бошқа инсофсиз рақобатчиларнинг сохта контрафакт товар ва хизматларидан фарқлаш ва ўз харидорларини йўқотмаслик учун зарурдир.

Тижорат фаолиятида товар белгиларининг аҳамияти тобора ортиб бораётгани бир нечта мамлакатларда тижорат юритадиган ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатнинг кучайиши билан боғлиқ. Товар белгилари истеъмолчиларга товар ва хизматларнинг сифати ҳамда қийматини аниқлашни осонлаштириш, ўзлари учун қулайлаштириш мақсадида ишлатилади. Товар белгиси ишлаб чиқарувчилар маҳсулот ва хизматларини истеъмолчиларни жалб қилиш учун фойдаланиладиган “алоқа воситаси” сифатида қаралиши мумкин. Шахснинг ўз исми уни бошқа шахслардан ажратиб тургани каби, товар белгиси ҳам маҳсулот манбасини аниқлаш ва ушбу маҳсулотни бошқа шунга ўхшаш маҳсулотлардан ажратишнинг асосий функциясини бажаради. Зеро, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, товар белгиси бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир.

Товар белгисининг ўзига хос хусусияти шундаки, товар белгиси маълум бир маҳсулотни ёки маҳсулотлар (хизматлар) гуруҳини аниқлашга имкон беради. Визуал

равишда, бу ҳақиқатан ҳам маҳсулотларга, қадокларга қўлланиладиган ёки реклама мақсадида ишлатиладиган матн ёки график объектга ўхшайди. Товар белгиси ўз мақсадига кўра маҳсулотнинг ташриф қоғозига ўхшайди. Қоида тариқасида, бугунги кунда товар белгиси сифат белгиси сифатида қабул қилинади. Тадбиркор ўз обрўсини қанчалик қадрласа, унинг савдо белгиси шунчалик истеъмол бозорида шунчалик қадирли бўлади.

Индивидуаллаштириш воситалари, хусусан товар белгисига доир муносабатлар интеллектуал мулк қонунчилиги нуқтаи назаридан ўрганилади. Хусусан, А.Сергеевга кўра, фуқаролик қонунчилиги билан индивидуаллаштириш воситалари мутлақ ҳуқуқ қоидалари ўрнатилган интеллектуал фаолият натижаларига тенглаштирилган [10]. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида индивидуаллаштириш воситалари таснифига фирма номи, товар белгиси, товар чиқарилган жой номи киритилган. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда ушбу тасниф доираси кенгайган. Хусусан, бугунги кунда ушбу таснифга домен номлари, тижорат белгилари, географик кўрсаткичлар ҳам киради. Шу нуқтаи назардан мазкур таснифни айнан Фуқаролик кодексида ҳам кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу тушунча юзасидан доктринал манбаларда куйидагича таърифлар келтирилган. Хусусан, М.Панковга кўра, товар белгиси маҳсулотларни индивидуаллаштиришга мўлжалланган маркетинг белгиси ҳисобланади [11]. Г.Шершеневич эса товар белгиси остида, сотувчи томонидан ўз маҳсулотларини бошқа шахсларнинг товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган белгилар тушунилишини таъкидлаган [12]. В.М.Сергеев эса товар белгиси сифатида унинг остидаги маҳсулотларни реклама ва бошқа айтиш ушбу турдаги маҳсулотлардан фарқлаш учун ўрнатилган тартибда маркировка қилиш тизими эканлигини таъкидлаган [13]. Хитойлик тадқиқотчи Юхон Вангга (Yuhong Wang) кўра, товар белгилари тегишли фирма стили ва товар белгисига тегишли бошқа контентни рақобатчилар томонидан фойдаланишдан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган [14].

Шу билан бирга, ҳуқуқий муҳофаза олинган товар белгисини монополия белгиси сифатида ҳам тушунилади. Тўғри, бундай қарашлар асосан XIX аср охири ва XX аср бошларига қадар бўлган, бироқ шундай бўлса-да, бозордаги бошқа (аниқроғи, кейинчалик ўхшаш тарзда яратилган) товар белгиларига нисбатан устунлик касб этади. Хусусан, тадқиқотчи З.Бобоқуловга кўра, “товар белгиси интеллектуал мулкнинг уникал айтиш вақтда тегишли товарни монополлаштириш ваколатини таъминловчи восита ҳамдир” [15].

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқи нафақат маълум бир маънодаги монополия ҳуқуқини беради, балки товар белгисига нисбатан ҳуқуқ эгаси томонидан рақобатни чеклаш воситаси сифатида ҳам қараш мумкин [16].

Таъкидлаш лозимки, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни истисно этганда ҳар қандай интеллектуал мулк объектининг ҳуқуқий муҳофазаси тегишли ҳужжат (патент, гувоҳнома) билан тасдиқланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ, товар белгиси уни рўйхатдан ўтказиш асосида ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади. Мамлакатимизда товар белгисининг ҳуқуқий муҳофазаси билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил

19 сентябрдаги 480-сон қарори билан тасдиқланган “Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти” билан тартибга солинади [17].

Маълумки, товар белгилари якка тартибдаги ва жамоавий бўлиши мумкин. Алоҳида юридик ёки жисмоний шахсга тегишли товар белгиси якка тартибдаги белги ҳисобланади. Юридик ва (ёки) жисмоний шахслар бирлашмасининг улар томонидан ишлаб чиқариладиган ва (ёки) реализация қилинадиган, бир хил сифатга ёки бошқа умумий тавсифларга эга бўлган товарларини белгилаш учун мўлжалланган товар белгиси жамоавий белги ҳисобланади.

Товар белгиси соҳасидаги глобаллашув ва халқаро савдо тизимининг ривожланишининг иккита муҳим таъсири – жаҳон бозорида яратилган ва фойдаланиладиган товар белгилари сонининг кескин ўсиши ва глобаллашувнинг товар белгиларига оид ҳуқуқ тизимининг анъанавий ҳуқуқий нормаларига бўлган муаммоларини келтириб чиқармоқда [18].

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш масалалари муҳокама қилинди. <https://president.uz/uz/lists/view/3887>
2. Бобров А.Г. Функции и особенности правового регулирования товарных знаков в предпринимательском праве // Интеллектуальный потенциал XXI века: ступени познания. 2016. №33. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/funktsii-i-osobennosti-pravovogo-regulirovaniya-tovarnyh-znakov-v-predprinimatelskom-prave>
3. Yuldashov A. Intellectual property law policy in Uzbekistan //Global Scientific Review. – 2023. – Т. 12. – С. 80-85.
4. Романов С.С. Товарный знак: понятие и виды // Таврический научный обозреватель. 2016. №12-2 (17). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tovarnyy-znak-ponyatie-i-vidy>
5. Панкова М. Н. Понятие товарного знака как средства индивидуализации // Актуальные проблемы российского права. 2011. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-tovarnogo-znaka-kak-sredstva-individualizatsii>
6. В.Маевская. Товарный знак (знак обслуживания) как объект промышленной собственности. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Минск 2003.
7. Толмачева О. Д. Товарный знак как объект интеллектуальной собственности и его основные функции // Правовая защита, экономика и управление интеллектуальной собственностью: Материалы всероссийской научно-практической конференции. - Екатеринбург, 2015. – С. 114-117.
8. Юлдашов А. Интеллектуал мулк бўйича миллий стратегияларнинг аҳамияти ва бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг бу борада тутган ўрни //Юрист ахборотномаси. – 2020. – Т. 1. – №. 2. – С. 53-59.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.03.2022 й., 03/22/757/0181-сон. <https://lex.uz/docs/24925>
10. Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в Российской Федерации. Учебник. - М., 2000. - С.12
11. Панкова М. Н. Понятие товарного знака как средства индивидуализации // Актуальные проблемы российского права. 2011. №4.
12. Шершеневич Г.Ф. Учебник русского гражданского права. М., 1995. С.264

13. Сергеев В.М. Экспертиза товарный знаков. Л., 1984. С. 10.
14. Yuhong Wang. Research on the Trademark Translation from the Perspective of Culture. Advances in Social Science, Education and Humanities Research, volume 105. International Conference on Sports, Arts, Education and Management Engineering (SAEME 2017).
15. З.Бабакулов. “Товар белгиларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш истиқболлари”. юридик фанлар доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Б. 20
16. Abdugopirovich Y. A. Types Of Legal Protection Of A Trademark (Service Mark) In Foreign Countries: The Example Of The Madrid System //Turkish Journal of Computer and Mathematics Education (TURCOMAT). – 2021. – Т. 12. – №. 4. – С. 1068-1073.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 19 сентябрдаги 480-сон қарори билан тасдиқланган “Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти”. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.09.2023 й., 09/23/480/0715-сон. <https://lex.uz/docs/6613366>
18. Юлдашов А. А. Необходимость участия республики узбекистан в международных рейтингах и индексах в области интеллектуальной собственности //Электронный инновационный вестник. – 2021. – №. 1. – С. 18-20.

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 8 (4) – 2024*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).